

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

КОНЧИЛАР УЧУН КУЧЛИ МАШИНАЛАР

Днепропетровск областининг Николаевск марганец бассейнидаги Шевченко номи карьерда энг кучлиер қазувчи агрегат комплекс монтаж қилинмоқда. Бу комплекс иккита ротор экскаватор ва мураккаб транспорт воситалари системасидан иборатдир. Ҳар бир экскаватор соатига 3 минг кубометр тупроқ ишларини бажаради. Экскаваторлар икки поғонада ишлаб, 60 метр қалинликдаги қатламни қўчиради.

Агрегатни тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириш kifой. Унинг оғирлиги 15 минг тоннадан ортиқ, баландлиги 60 метр, комплекснинг механизмлари 500 та двигател ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Механизмларнинг кўпгина қисмини бошқариш автоматлаштирилган. Агрегатга 74 киши хизмат қилади. Бу агрегатни қўллаш карьерда ҳар ойда 468 та кучли самосвалларни бошқа ишга ўтказиш имконини беради.

ИККИ ҚАВАТЛИ ВАГОНЛАР

Ленинграддаги СССРда энг кекса ҳисобланган вагонсозлик заводида туристлар учун шифоф томли икки қаватли вагонлар лойиҳаси яратилди. Вагоннинг пастки қаватида яхши жиҳозланган куня, юқорисидан эса юмшоқ креслолар қўйилган умумий салон бўлади. Ичкаридан қўйилган зина орқали иккинчи қаватга кўтарилиб, йўловчилар поёз ўтиб бораётган ён-атрофини бемаъл талоша қилишлари мумкин. Қиш кунлари махсус иситувчи аппарат шифоф томини музлашдан сақлаб туради.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Сувимиз тоза бўлсин!

Оржоникиде райондан ўтадиган 30 километрик «Иш» ариғидан жуда кўп хонадонлар, колхоз ва совхозларнинг ерлари баҳраманд бўлади. Лекин кейинги йилларда бу ариқ ифлос бўлиб қолди. Ядро физика институт, 2-виночилик совхоз ва вино заводидан чиққан ҳамма чиқинди ва ахлатлар шу ариққа оқизилган бўлиб қолди. Бу эса кўпчиликни тоза сувдан маҳрум қилди.

«Коммунизм», «Ленинград», Киров номи колхозларнинг меҳнаткашлари редакцияга шикоят қилиб ёган шу тўғрисида хатга район ижроия комитети раисининг ўрнибосари ўртоқ Носиринов имзоси билан жавоб олди. Унда айтилашча, район санитария-девозлаш бirlашмасининг вақили иштроки, да комиссия тузилди, хат юзасидан текшириш ўтказилди. Хатда кўрсатилган фактлар текширишда тасдиқланди. Вино заводининг ижкери Б. Д. Арзуманьян санитария-девозлаш бirlашмаси томонидан штраф қилинган. Ариққа ахлат ва ифлос сувларни оқизиш ман қилинган. Заводдан чиққан ахлат ва чиқиндиларни қуворлардан оқизиш учун Ядро физика институт маъмурияти билан келишиб, у ердан ўтадиган қуворларга улаш таклиф қилинган. Ядро физика институтда канализация қурилиши ишлари май ойида тавомланиб, ҳамма чиқиндилар қуворлар орқали оқизилган бўлади.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЙЎЛОВЧИЛАР МЕХРИБОНИ



Самолёт парвоз қилиб, Москва томон йўл олди. «ТУ-104»нинг юмшоқ ўриндиқларидан ҳар хил касбадаги кишилар — дондор пахта усталари, металлурга ва шахтёрлар, қурувчилар ва инженерлар, олимлар, жой олишган. Уларнинг баъзилари Москвага илгор иш методларини ўрганишга келишган. Уларнинг баъзилари Москвага келишган. Уларнинг баъзилари Москвага келишган.

Салом ўртоқлар! Мен борт провoдникман.—деб ўзини таништирди. —Э, салом, синглим, яна бирга учарканмиз-да,— деди пахтакор Акбар Ҳрозбоев. Бошига жуи рўмол ўраб олган аёл борт провoдник Нелла Отахоновна Ҳакимовага қараб илчи илмайиб қўйди. Нелла бу аёлнинг беш йиллик оғизак болаларини самолётга чиқаришга ёрдамлашган эди. Мана, Ҳасан-Ҳусанлар самолёт ичини қизини билан талоша қилиб ўтиришди.

Эшикка яқин келманлар,— деб уларга ёлгондан пулсида қилиб қўйди Нелла. Дадасининг тизасидан ўтирган Петя илчилик қиларди. Агар форма кийган ола бўлмаганда дэдаси уни овуғтунча кўп диққат бўларди. Нелла берган конфет Петини дарров тинчлатириди. Самолётда Нелла ўзини доим хушчақчақ тутайди. Меҳмондўст ва хушмуомалалики Унингга қўйди. Унинг қўлидан бир стакал шай ичган кишининг яна ичгиси неллади. Уэ касбини севган қиз йўловчиларни анойиб конфетлар, печенелар, лимон ва бошқа нозу-неъматлар билан сийлайди. Зерикмасинлар деб ҳаммага янги газета ва

М. ВИШЕДИКОВА. Суратда: ўртоқ Н. ҲАКИМОВА.

СУД ЗАЛИДАН КЎЧА ҚОИДАСИГА АМАЛ ҚИЛМАГАЧ

Эрта билан Ленин кўчасидан шаҳар марказига қараб йўл олган «Полиция» маркали енгил автомашина ниҳоятда тез кетатди, кўча четиданги столбага урилиб, гражданий Я. Е. Резинкин йиқитиб кетди. Бир кишининг фожиали ўлимига сабабчи бўлган бу шахс Калинин район А. А. Саркисян эди. У ишга кеч қолётганда машина тезлигини нормадагидан оширган. Саркисян кўча ҳа-

ракати қондаларини бузиб, қилган жиноятини яширишга уринди. Лекин милиция ходимлари ва гувоҳ Прокудин уни фох этидлар.

Яқинда Киров район ҳалқ суди кўча ҳаракати қондаларига бўйсунмаган Е. А. Саркисяннинг жиноий қилиб қўйиб, уни 4 йил озолиддан маҳрум қилиш, шахсий автомашинасига эса давлат ҳисобига ўтказиш ҳақида ҳукм чиқарди. Н. РАҲАБОВ.

ФУТБОЛ

ХИМОЯ ХУЖУМДАН ЗҲР БЎЛГАНДА

«Пахтакор» ишчибозларини жуда соғинтирган эди. Тошкентликлар роса бир ойлик «айриликдан» сўнг командалари билан юз кўришди. Талошабинларини ўзига сиғдирилмаган улкан стадион ҳам, ўйин олдидан сеvimли футболчиларга тақдим этилган беҳисоб гул-дасталар ҳам ана шу соғинччи, команданинг ишчибозлари кейинги пайтда жуда ортиб кетганлигини кўрсатарди. Бу — табиий эди. Чехословакиядан, ундан кейин эса Москвадан ёруғ юз билан қайтган «Пахтакор» эди экс-чемпион «Торпедо» билан учрашмоқда эди.

Ўйин кутилганча қизғин кураш билан бошланди. Деярлик бутун биринчи тайм давомида меҳмонларни штраф майдонига сиқиб қўйган пахтакорчилар техник маҳорат қўйиб, чиройли ўйнади. лар. Ҳамшаҳарларимизнинг тўпни аниқ ошириши, налла билан мохирона ўйнаши, ҳар бир тўп учун жон қўйиб ҳаракат қилишдан ишчибозлар қувонди. Лекин рақибларнинг штраф майдонига ҳужумчиларимизнинг сиқиб ўйнаши, комбинацияларда ҳал қилувчи зарбанин кўнчилидагидек бўлмаганлиги ҳаракатларини қўлчиқа беҳуда кетказди. Шунга қарамай, ҳужумчилардан И. Тазетдинов ва В. Абдураимовнинг яхши ўйинини таъкидлаб ўтмай бўлмайди.

Энг кучли 7 ўйинчисини СССР

ПРОКУРАТУРА ВА СУД ОРГАНЛАРИ РАҲБАР ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

10—12 майда Москвада прокуратура ва суд органлари раҳбар ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш СССР Бош прокурори Р. А. Руденко ва СССР Олий судининг раиси А. Ф. Горюхиининг прокуратура ва суд органларининг ўз фаолиятида мажбуа бўлган камчиликларини битириш ҳамда судлов практикаси ва прокурор назоратини янада яхшилаш соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги докладларини тинглади.

Докладчилар шунингдек музокараларда сўзга чиққан прокуратура ва суд ходимлари таъкидлаб ўтдиларки, суд-прокуратура органлари ҳалқ мулкни таловчиларга, порахўрларга, ашадий беозориларга ва бошқа хавфли жиноятчиларга қарши қаттиқ жазо чоралари бериши қўзда туғувчи жиноят қонунларини асосан тўғри қўллаиб келмоқдалар. Бироқ, деб қайди қилиб ўтилди кенгашда, хавфли жиноятчиларга, шу жумладан ҳатто, такорий жиноят қилган шахсларга нисбатан енгил жазо чоралари белгилан, шунингдек жамият учун унча хавфли бўлмаган жиноятлар учун озолиддан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо чоралари қўлланиш сингари фактлар суд ва прокуратура

практикасида ҳали ҳам учраб туради.

Кенгаш қатнашчилари тартибузорлар ва жиноятчиларга қарши курашни ташкил этиш соҳасидаги иш тажрибаларини алмашириб, хавфли жиноятчиларга нисбатан қаттиқ жиноий жазо бериш тадбирларини озолиддан маҳрум қилиш чораларини қўлланишдан ҳам тузаланиш ва қайта тарбияланиши мумкин бўлган тартибузорларга нисбатан самарали бўлиб чиққан жамоатчилик таъсирини кўрсатиш чораларини, шунингдек шу жумладан коллективларга қарилликка бериш чораларини, шунингдек жамиятдан айириб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазо (шартли ҳукм қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, ижтимоий ҳайфсан ва шу ҳаби бошқа) чоралар билан тўғри боғлаб олиб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Сўзга чиққан нотинчлар тартибузорларга ва жиноятчиларга қарши муваффақиятли кураш олиб боришнинг асосий шарти бўлган дастлабки тергов ва сўроқ сибатини янада яхшилаш — жиноятчиларнинг албатта жазоланиши ҳақидаги қонун талабларини бажариш ҳамда процессуал гарантйаларга қаттиқ риоя қилиш учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини

ўқитиб ўтдилар, токи биронта ҳам беғуноҳ киши жиноий жавобгарликка тортилмиб қолмасин.

Кенгаш қатнашчилари тенгхўрларча турмуш кечириб қолётган ва жамиятга зарарли бўлган унсурларни аниқлаш ҳамда уларнинг пайини қирқиш ва техникхўрларга қарши курашни кучайтириш учун суд-прокуратура органлари билан жамоат ташкилотларининг фаолиятини тўғри қўшиб олиб бориш зарурлигига эътиборини жалб қилиб ўтдилар.

Кенгаш қатнашчилари жамоатчиликнинг суд ва прокуратура органлари фаолиятида иштрок этишидаги турли формаларини кўрсатиб ўтдилар ҳамда тартиб бузишларнинг олдини олиш ва бундай ҳолларга қарши курашни кучайтириш учун кенг жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш зарур, деб таъкидладилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирин Н. Р. Миронов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирин В. А. Дятков, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. И. Камшалов, КПСС Марказий Комитети аппаратининг, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Советининг маъсул ходимлари, юрист олимлар қатнашдилар.

Халқаро ахборот

Ю. А. ГАГАРИН ГРАЦ ШАҲРИДА

ГРАЦ, 14 май. (ТАСС). Совет космонавт учувчиси Ю. А. Гагарин ва унинг ҳамроҳлари кеча кечқурун Австриянинг иккинчи катта шаҳри, йirik санаот ва савдо маркази, Штирия ўлкасининг пойтахти Грац шаҳрида келдилар. Шаҳарнинг марказий майдонига кўп кишилик митинг бўлди. Митингда гулдорос овалига билан кўтиб олинган Ю. А. Гагарин сўзга чиқди.

Грацда шаҳар бургомистри Г. Шербаум жаҳоннинг биринчи космонавтини рушудлик билан кўтиб олди ва уни қизғин табрикларди.

Штирия ўлкаси ҳукуматининг бошлиғи И. Крайнер ўлка ҳукуматининг резиденциясида совет космонавти шарафига қабул маросими ўтказди.

АҚШ ЛАОСДА ИНТЕРВЕНЦИЯ ҚИЛИШГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 13 май. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири Вашингтондан хабар беради: АҚШ сийоси ва ҳарбий раҳбарларининг Оқ уйдаги иккинчи кенгаши кеча тавом бўлганда кейин, президент Кеннеди ЛАОСдаги ахвол ёмонлашган қолган тақдирда, Американинг Шарқи-Жанубий Осиёда амалга ошириши ахтимола тутилган ҳарбий интервенциясига қуруқликда, ҳавода ва деңгизда тайёргарликни бошлаб юбориш тўғрисида буйруқ берди, деб эълон қилинди.

Президент, шунингдек Қўшма Штатлардан Тинч океанининг гарбий қисмига қўшимча миңдорас аскарлар ва қурул-яроғ юбориш чораларини кўриш ҳақида буйруқ берди. Бундан бир кун аввал 7-флотинг алоҳида ишлар учун мулкаланган эскадраси деңгиз пўлда аскарларини олиб, Филиппиндаги Субик-Пойнт базасидан деңгизга чиқиб кетган эди. Расмий кишиларнинг айтишларига, бошқа кемалар ҳам деңгизга чиқишга ҳозирланмоқда ҳамда Окинава ва АҚШдаги парашотчи десант қисмларига жанговар тайёрлик ҳолатида туриш ҳақида буйруқ бериб қўйилган.



Голландия, Амстердам. Хотин-қизларнинг бозорда бўлиб ўтган намоийи. Плакатларга «Янги Гвинея учун ҳеч қандай ордақа чекисин!» деган сўзлар ёзилган.

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

Совет-Хитой дўстлиги жамиятининг активистлари бир гуруппаси Пенкидан Ватанимизга жўнаб кетди. Москвалик, грузинлик, қозонлик ва ўзбекистонлик меҳмонлар халқ Хитойида 16 кун бўлидилар. Улар Пенкидаги 1 Май тантаналарида қатнашдилар, шунингдек Шанхай, Ханчжоу ва Нанкинга саёҳат қилдилар.

Варшавада мактаблар бинокорларнинг Умуми Поляша кенгаши тавом бўлди. Кенгашда мамлакатда мактаблар қуриш соҳасидаги муваффақиятларини яқунлари тўлиди. Қозонлик мактаблар қуриш учун жамоат фотиға 4 миңларда 200 миңлик элотиқ тўлиди. Шу йил апрель ойининг охиригача бинокорлар 360 та мактабни, шу жумладан гарбий вилоятларда 122 та мактабни фойдаланишга топширдилар.

Чэцзян вилоятининг тоғлиқ районларида (Хитой Халқ Республикаси) халқ ҳокимияти йиллари мубайида мингта майда қишлоқ гидроэлектростанцияси қурилади. Озолидқи ортишгани вақтига қадар бутун вилоятда атиқ учта қишқина гидроэлектростанция бор

Телевизор

15 МАЙ
Ўзбек тилида: 18.30 — Сиз имтиҳонга тайёринсиз? (ўқувчилар учун), 18.45 — Жонли кўнгли (телеочира), 19.05 — Телевизорнинг янгиликлар, 19.20 — Озарбайжон мусикаси (қардош республикалар мусика маданияти қасидаси), 20.30 — Адабий эшитириш.

Рус тилида: 20.40 — Воскресенск кимё, гарларининг ватанларарал ташаббусини маъқуллашчи (саноат ходимлари учун), 21.00 — Болалар тарбияси ҳақида ота-оналар учун суҳбат, 21.25 — Ола-Хилдстон (балайи фильмнинг биринчи серияси).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР. 15/5 да Копея, 16/5 да Севалия саргароши.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/5 да Тога ва жиялар.

МУКИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/5 да Зарафшон қизи (қишқина бинада).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Қораловчи гувоҳ — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Еа қуларидан бирида — «МИР», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун). Болалар ҳақида қишқик воқеалар — «СПУТНИК» (эрталаб 10 ва 11 да).

Туб жойли киши — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кундуз 2 да).

ЭЗГИ БИНОДА (кеч соат 8 ярим ва 10 да бошланади)

У Ватанин химоя қилади — «ОКТЕБЕР».

Оқ тиш — «ВАТАН».

Бизнинг кўчамиз — «ПАХТАКОР», «ФЕСТИВАЛЬ».

Шошилинч қақирш — НАВОИЙ номли.

МУКИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР (ёзги бинада), 15 майда

КАТТА КОНЦЕРТ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Махмуджон Ғофуров, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Фароғат Раҳимов, Эътибор Ҳалилова, солистлар: Адиба Мирзаева, Холлис Қодирова, Гулсара Ёкубова, Райхон Тўраева, Анора Исмоилова, Сурат Пўлатов, Умар Отаев, Турсун Мелиев, Нўлдош Муллабоев, Зокир Ёрғашев ва бошқалар қатнашадилар.

Ўзбек халқ чолгу асбоблар ансамбли жўр бўлади. Кеч соат 8 яримда бошланади.

1962 йил 25 май кундуз соат 12 да, В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг юридик факультети илмий совети мажлисида (Шайхонгоҳу кўча, 10-уй, 33-аудитория) Ф. Х. Сайфуллаев юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг граждандик ҳуқуқи» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ
Диссертация билан кутубхонада танишиш мумкин (Қуйбоден кўчаси, 10-уй).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ижроия комитети маъийи хизмат кўрсатиш бошқармасининг

СПРАВКА БЮРОСИДАН МАИШИЙ УСТАХОНАЛАРИНИНГ АДРЕСИНИ СУРАШ МУМКИН. Бунинг учун қақ олнмайд.

Справка бюросининг адреси: К. Маркс ва Киров кўчалари бурчагида.

«ТАШИПРОГОР. ИНСТИТУТИГА

инженерлар ва техниклар: геодезистлар, топографлар ва картографлар

КЕРАН

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Братская кўча, 23-уй (Ленин кўчаси бурчаги, қовилди).

Тошкент молия-иқтисод партия турумуши бўлими, иштининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари институтининг проректори К. М. Муродова унинг онаси Ҳосият МУРОДОВАННИНГ вафоти мубосабати билан чуқур таъзин баянлади.

Бизнинг адрес

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбеккистана областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ БҒУЛМАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турумуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиш бўлими — 26761. Қишлоқ қўжалиги ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Ахборот ва саноат, маданият, саноат ва транспорт бўлими — 33786. Секретариат — 34608. 31936. Хатлар бўлими — 34043. Илгор тажрибаларини пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25885. Эътибор бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмақонани. Р. 00955. Нашр. — Г. — 1592.

Спорт мастери номи учун

Тошкентда ОДО паркида СССР спорт мастери номини олиш учун мастерилика кандидат Е. Мухин билан ленинградлик спорт мастери С. Хавский ўрасида матч ўйнамоқда. Бундай қизқарчил мусобақани тошкентликлар факат икки марта кўришган: Мухидинов — Петросья ва Мухидинов — Соловьев матчиари бўлган эди.

Мухин — Хавский матчида 14 партия ўйналади. Тошкентлик шахматчи СССР спорт мастери номини олиш учун ўйини ютиши, яъни кам деганда 7,5 очко олиши керак. Ҳозирча рақиблар 5 марта учрашди. Матч ленинградлик мастер фойдасига 3:2 бўлиб тўрибди. И. БИРБРАГЕР.



Суратда: ўйин пайти. А. Абалия фотоси.

«ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 15 МАЙ, 1962 ЙИЛ.